

"KPMG" халқаро консалтинг компанияси билан ҳамкорликда семинар ўтказилди

// 08 avgust 2022 йил

<https://pda.uzkimyosanoat.uz/uz/press/news/kpmg-xalqaro-konsalting-kompaniyasi-bilan-hamkorlikda-seminar>



“Ўзкимёсаноат” АЖ ва тармоқ корхоналари раҳбарлари, уларнинг иқтисод ва молия бўйича ўринбосарлари ҳамда бош бухгалтерлари учун “KPMG” халқаро консалтинг компанияси билан ҳамкорликда “Компания маълумотларини Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (МҲХС)га мувофиқ тақдим этиш” мавзусида семинар ўтказилди.

Мазкур семинар “Ўзкимёсаноат” АЖ ва тармоқ корхоналарининг 2020 йил 31 декабрь ҳолатига консолидациялашган молиявий ҳисоботнинг халқаро катта тўртликка (Big 4) кирадиган «KPMG» халқаро аудиторлик ташкилоти томонидан ўтказилаётган аудити доирасида бўлиб ўтди.

Тадбирдан кўзланган асосий мақсад Жамият ва тармоқ корхоналари раҳбарлари, уларнинг иқтисод ва молия бўйича ўринбосарлари ҳамда бош бухгалтерларининг МҲХСга мувофиқ тузилган молиявий ҳисоботларни тушуниш малакаларини шакллантириш ҳамда компанияларнинг молиявий ҳолати ва молиявий натижаларини таҳлил қилиш кўникмаларини янада оширишдан иборат.

Яқунда иштирокчиларга махсус сертификатлар топширилди.

Маълумот ўрнида айтиб ўтамиз, "KPMG" дунёдаги энг йирик профессионал хизматлар тармоқларидан бири бўлиб, катта тўртликка (Big 4) кирувчи аудиторлик компанияси ҳисобланади. Халқаро штаб-квартираси Амстелвенда жойлашган компанияда 219 000 дан ортиқ ходим фаолият юритади.





«Нам не следует понапрасну привлекать высшее руководство... ему достаточно просто сообщить основные принципы»

«Аудитор все сделает сам»

«Наши ИТ системы достаточно гибки... Не составит особого труда внести несколько изменений под новый бухгалтерский стандарт»

«МСФО не может сильно отличаться от того, что мы делаем сейчас»

«Не понимаю к чему такая спешка. Мы все сделаем когда придет время»

«У нас все готово, все сделано, вам много времени тратить не надо»

uzkimyosanoat

uzkimyosanoat.uz

(+99878) 140-74-26

uzkimyosanoat AJ MATBUOT XIZMATI





"Ўзкимёсаноат" АЖ Матбуот хизмати